

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКНИЯЗОВ БАЙРАМБАЙ САПАРБАЕВИЧ

**ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(Қорақалпоғистон мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Бекниязов Байрамбай Сапарбаевич

Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини
ривожлантириш (Қорақалпоғистон мисолида)..... 3

Бекниязов Байрамбай Сапарбаевич

Развитие духовной культуры учащихся посредством историко-культурного
наследия (на примере Каракалпакстана) 21

Bekniyazov Bayrambay Saparbaevich

Development of pupils` spiritual culture by means of historical and cultural heritage (on
example of Karakalpakstan) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКНИЯЗОВ БАЙРАМБАЙ САПАРБАЕВИЧ

**ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(Қорақалпоғистон мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.1.PhD/Ped1246 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Утебаев Тажибай Тилеумуратович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Турганов Бахыт Қурбанбаевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DS: 03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «18» 03 куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz.

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» 03 да тарқатилди.
(2021 йил «6» 03 даги 19 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

А.К.Пазылов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги минтақавий, субминтақавий, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари айниқса, маданий алоқаларни кучайтириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар трансформациясини жадаллаштиришни тақозо этади. Халқаро ташкилотлар томонидан тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш, ўсиб-келаётган авлодда ғурур ва ифтихор туйғусини таркиб топтириш лозимлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Айниқса, ўқувчиларнинг моддий ва маданий меросни ўзлаштиришлари орқали фаол фуқаролик позицияси ҳамда тарихий тафаккурини ривожлантириш, уларда умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик механизмларини такомиллаштириш, умумтаълим муассасаларида ўқитиш жараёнида маданий меросимизни чуқур ва пухта ўрганишни таъминлаш муҳим долзарблик касб этади.

Дунёда ўқувчиларнинг тарихий онги ва хотирасини шакллантиришда маданий меросдан фойдаланишнинг модернизацион дидактик тизимини ишлаб чиқиш, тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларда миллий идентикликни таркиб топтиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг аксио-педагогик технологияларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришда моддий мероснинг тарбиявий имкониятларини интеграциялашнинг самарали йўллари аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштириш шароитида ўқувчиларнинг тарихий-маданий меросни қулай ва осон ўзлаштиришлари учун медиавоситалар асосида ўқувчиларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда ўқувчи-ёшларда тарихий-маданий меросга ҳурмат ва қадриятли муносабатни таркиб топтириш, аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўзлаштириш орқали уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Шунингдек, ўқувчиларда маънавий маданиятини ривожлантириш уларнинг санъат ва маданиятга қизиқишларини ошириш, фаол фуқаролик позицияси ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

берилди. Бу эса, қорақалпоқ миллий, тарихий-маданий меросининг ўқувчиларда маънавий маданиятни ривожлантиришдаги имкониятларини аниқлаштириш, тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларда маънавий маданиятни ривожлантириш самарали йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467-сон «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ж.Базарбаев, Я.Ғуломов, М.Имомназаров, М.Каххарова, М-Ш.Қдырнийазов, А.Муминов, А.Маврулов, Ў.Мавлонов, Қ.Назаров, А.Очилдиев, С.Отамуротов, С.Толстов, Э.Юсуповлар тарихий-маданий мероснинг фалсафий, археологик ва ижтимоий-маданий аҳамиятини, О.Мусурманова, У.Алеуов, П.Абдимуратов, З.Курбаниязова, Р.Маматқулова, У.Маҳкамова, Ў.Мавлонов, Т.Утебаев, Н.Эгамбердиевалар каби олимлар тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини, О.Давлатов, З.Салиева, Б.Ходжаевлар ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини таркиб топтириш, талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш, ахборот хавфсизлиги компетентлигини шакллантиришда тарихий-маданий меросдан фойдаланиш йўллари тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан В.С.Кузин, Е.М.Крючков, Н.А.Кушаев, М.М.Маммаев Б.М.Неменский, М.А.Некрасова, И.М.Раджабов кабилар тарихий ёдгорликларнинг тарбиявий аҳамияти, ўлкашунослик ва музейлар орқали ўқувчиларда ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижлик олимлардан N.Alsayyad, B.Dicks, H.François, F.Hartog, R.Harrison, Dj.Jokilehto, S.Labadi, A.Swenson, G.Sonkoly, T.Vahtikari кабилар

томонидан тарихий-маданий мероснинг инсоният маданиятидаги ўрни ва роли, маданиятларнинг трансформацияси масалалари ўрганилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг маънавий маданиятини ривожлантириш муаммоси билан боғлиқликда турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, бироқ кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг маънавий маданиятини тарихий-маданий мерос воситасида ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қорақалпоғистонда мактаб ва педагогик фикрлар тарихи» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга доир педагогик имкониятларини ёритиб бериш;

ўқувчиларда тарихий-маданий мерос воситасида маънавий маданиятни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

синфдан ташқари машғулотлар жараёнида тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;

виртуал таълим муҳити шароитида тарихий-маданий меросдан фойдаланишнинг алгоритмик босқичларини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақалпоқ тарихий-маданий мероси воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни танлаб олиниб, тажриба-синов ишларида Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 679 нафар респондент-ўқувчиси иштирок этди.

Тадқиқот предметини тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни, тузилмаси, модели ва технологияси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, тажриба-синов, тест, қиёсий таҳлил, баҳс-мунозара, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик жараёнлари моддий ва маданий мероснинг шахс интеллектуал, эмоционал ва мотивацион ривожланиш

соҳаларига таъсирининг интенсивлик даражаси барқарорлигини тарихий пропедевтика билан бевосита алоқадорлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни тузилмаси ички ва ташқи интегративлик асосида фанлараро алоқадорликни таъминлаш, модулли-структур ёндашув билан халқчиллик тамойилининг қайта алоқага киришиш даражасининг субъектив таъсирчанлигини кенгайтириш асосида аниқлаштирилган;

синфдан ташқари машғулотлар жараёнида тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари расм устида суҳбат, виртуал экскурсия, мозийга саёҳат методларини жамоавий ижодий ишни ташкил этиш жараёнига интенсив қўллаш асосида такомиллаштирилган;

виртуал таълим муҳити шароитида тарихий-маданий меросдан фойдаланишнинг алгоритмик босқичлари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини танишув, тушуниш, анализ, синтез ва баҳолаш даражаларига устуворлик бериш асосида кенгайтириш, давр билан диалогга киришишга доир медиатадбирларни шахсий тажриба билан интернал интериоризацияси барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тарихий-маданий мероси каталоги ва ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган;

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш тизими ишлаб чиқилган;

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга доир амалий машғулот ишланмалари ишлаб чиқилган;

тарихий қалъаларнинг 3D тах дастурида виртуал кўринишлари ва туманлар кесимида маданий мерос объектларининг фотогалерияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот илмий аҳамияти тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларининг ёритиб берилганлиги, моддий ва маданий мероснинг шахс интеллектуал, эмоционал ва мотивацион ривожланиш соҳаларига таъсирининг педагогик-психологик хусусиятларининг очиб берилганлиги, тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларни маънавий маданиятини ривожлантириш мазмунининг очиб берилганлиги, ўқувчиларда тарихий-маданий меросга қизиқишни

ривожлантириш компонентлари, мезон ва кўрсаткичларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни тузилмасининг аниқланганлиги, ички ва ташқи интегративлик асосида фанлараро алоқадорликни таъминланганлиги, модулли-структур ёндашув билан халқчиллик тамойилининг қайта алоқага киришиш даражаси таъсирчанлигини кенгайтирилганлиги, синфдан ташқари машғулотлар жараёнида тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик асослари, виртуал таълим муҳити шароитида тарихий-маданий меросдан фойдаланишнинг алгоритмик босқичларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш бўйича илмий натижалар асосида:

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик жараёнлари моҳиятини очиб бериш, моддий ва маданий мероснинг шахс интеллектуал, эмоционал ва мотивацион ривожланиш соҳаларига таъсирининг интенсивлик даражаси барқарорлигини препедевтик педагогика билан бевосита алоқадорлигини ҳисобга олишга доир таклифлардан 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2020 йил 5 октябрдаги 2-02/1165-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ миллий маданиятини ўқувчи-ёшларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни тузилмасини аниқлаштириш, модулли-структур ёндашув билан халқчиллик тамойилининг қайта алоқага киришиш даражасининг субъектив таъсирчанлигини кенгайтириш, синфдан ташқари машғулотлар жараёнида тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А1-ХТ-0-92997 «Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар ўйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари» (2012-2014 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 октябрдаги 89-03-3707-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда тарихий-маданий меросга аксиологик муносабатни таркиб топтириш самарадорлигини оширишга эришилган;

виртуал таълим муҳити шароитида тарихий-маданий меросдан фойдаланишнинг алгоритмик босқичларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини танишув, тушуниш, таҳлил қилиш, қиёслаш ва

баҳолаш даражаларига устуворлик бериш асосида кенгайтириш, давр билан диалогга киришишга доир медиатадбирларни шахсий тажриба билан интернал интериоризацияси барқарорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан «Қорақалпоғистон тарихи» фани бўйича малака талаблари ва ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 5 октябрдаги 01-01/2-2678-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг қорақалпоқ тарихий-маданий меросини ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, 141 саҳифа матн, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Тарихий-маданий мерослар воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида ўқувчилар маънавиятини ривожлантиришнинг ижтимоий зарурият эканлиги ҳамда қорақалпоқ миллий маданий меросларининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини тарихий-маданий мерос воситасида маънавий маданиятини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати баён этилган.

Маданиятимизнинг пойдевори бўлган тарихий-маданий меросимизни ўрганиш - фақат илмий жиҳатдан катта аҳамият кашф этибгина қолмай, айтилган вақтда буюк аждодларимиз яратган маънавий хазинадан барҳаманд бўлишда, ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар томонлама камол топишида муҳим омил ҳисобланади.

Асримизнинг улуғ донишмандларидан бири ўтмишни билмай туриб, ҳозирги замоннинг чинакам маъносини ва келажак даврнинг мақсадларини тушуниш мумкин эмас, деган экан. Ҳақиқатан ҳам тарих тажрибасини ўрганиш - давримизнинг мураккаб ижтимоий-маданий ҳодисаларини чуқур идрок этиш ва тушуниб етишга, мустақиллигимиз ва равнақимизни қадрлашга, порлоқ истиқлол йўлида янги зўр тараққиёт учун катта режалар белгилаш ва уларни амалга оширишга даъват этади.

Ниҳоятда бой ва ранг-баранг тарихимизни идрок этиш ўқувчи-ёшларнинг билим доирасини кенгайтирибгина қолмай, шахс ижтимоий онгини юксак даражага кўтарилишига имконият яратади.

Мазкур бобда ўқувчи-ёшлар маънавий маданиятини ривожлантиришда “маънавият”, “маърифат”, “маданият”, “маданий мерос” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги, бири иккинчисини тўлдириб бориши ёритиб берилган.

Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги беқиёс аҳамиятга эга эканлигини асослашга доир республикамизнинг етакчи олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар асосида маънавият доимий равишда сайқаллашиб, мукамаллашиб борадиган педагогик воқелик эканлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Тадқиқот муаммосига оид манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон тарихи мамлакатимизнинг барча қадимий минтақаларининг тарихи каби жуда бой, ранг-баранг ва қизиқарлидир. Бу заминни ўзига хос археологик топилмалар кўриқхонаси дейиш мумкин. Чунки, бу ерда кишининг диққатини тортадиган, ҳайратлантирадиган кўплаб археологик ва меъморий ёдгорликлар мавжудки, улар ўта ноёблиги ва мафтункорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Хоразм ҳамма даврларда жаҳоннинг энг йирик маданий марказларидан бири саналган. Бу қадамий маданият ҳатто бугунги кунда Оврупода антик дунё деб аталиб келаётган юнон ва рим маданияти билан бир қаторда туради. Бинобарин, Олмония тарихчи олими Ҳердер бу ҳақда шундай деб ёзади: «Овруполик бирорта халқ ўз ёзувини ўзи кашф этган эмас, испанлар ёзуви ҳам Осиёдан олинган; Шимолий ва Ғарбий Оврупо маданияти юнон-румо-араб уруғидан униб чиққандир... Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон кўлига табобат сирларини очмоққа калит тутқаздилар... Физиканинг барча бўлимларини шу калит ёрдамида очдилар ва бу калит, асрлар давомида амалда қўлланилиб келинмоқда...»

Қорақалпоғистон худудидаги Жонбосқалъада зароастризм мактаби мил. авв V-IV асрларда ёшларга таълим-тарбия берувчи маърифат маскани ҳисобланган. Айниқса мактаб қорақалпоқ халқининг ўтмишдаги авлодлари кангюй маданиятининг ўзига хос белгиларини ўзида жамлаган ва қадимги маданий меросларга ниҳоятда бой Қорақалпоқ улқасида 2500 йиллик тарихга эга илк мактабларнинг бўлганлигини исботлайди.

Қорақалпоғистон Республикасида 245 та маданий мерос объектлари давлат рўйхатига олинган бўлиб, улардан 46 таси архитектура ёдгорликлари, 117 таси археологик ва 82 таси меъморий ёдгорликлардан иборат.

Мазкур археология ва меъморий ёдгорликлари асрлар давомида ижтимоий идеалларга хизмат қилиб келар экан, улар фақатгина ўтган авлодларнинг ижтимоий тарихий ҳаётини қайд этиб қолмасдан, бизга, келгуси авлодларга ҳам мурожат қилиб маънавий жиҳатдан сафарбар этиб қалбимизга ватанпарварлик, халқчилик, гуманизм, меҳнатсеварлик туйғуларини пайванд этади. Халқимизнинг тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликлари жаҳон маданий меросининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тараққиётига қўшилган ғоят катта маънавий улушидир.

Ушбу бобда умумий ўрта таълим мактабларида қорақалпоқ миллий маданий мерослари воситасида ўқувчи-ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган бир-бири билан чамбарчас боғлиқ етакчи хусусиятлари асослаб берилди.

Тарихий-маданий мерос объекти кенг бўлиб, турли ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунида ўз аксини топади. Тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган «Қорақалпоғистон тарихи», «Тарбия» фанларнинг ўқитилиш жараёнини кузатиш, синфдан ташқари машғулотлар ва мактабларда маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш мисолида ўқувчиларини тарихий-маданий мерос воситасида маънавий маданиятини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати таҳлил қилинди.

Тарихий-маданий меросларга мурожаат қилиш, уларнинг педагогик имкониятларини ўрганиш ва мактаб ўқувчиларининг маънавий маданиятини ривожлантиришда фойдаланадиган дидактик ўқув воситалари мажмуасини сезиларли даражада бойитилиб, ҳар бир туман бўйича тарихий-маданий меросларнинг фотогалереяси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг катта қисмини қамраб олган умумий ўрта таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни оқилона ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш умумдавлат сиёсати миқёсидаги вазифадир.

Мактаб музейи - турли хил ўқув-тарбия ишларини амалга оширишнинг ўзига хос асоси бўлиб, у мактабда ўлкашунослик ва синфдан ташқари ишларнинг қандай даражада амалга оширилишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Шунингдек, музей ўқувчиларни ўлка тарихини ўрганишга ундайдиган бир марказ ҳамдир.

Халқимизда эса «ўн марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал», деган ҳикматли гап бор. Шунга амал қилган ҳолда тарих дарсларида, маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда, синфдан ташқари машғулотларда мактаб ўқувчиларини кўпроқ музейларга олиб бориб, у ердаги экспозициялардан фойдаланиб дарс ўтиш самарали натижалар беради.

Лекин музейлар билан узвий равишда умумий ўрта таълим муассасалари алоқаларини мустаҳкамлашнинг дидактик асосларини яратиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу муаммони ҳал этишда даслаб музей ва таълим-тарбия масканлари алоқадорлиги йўналишларини белгилаш, унинг асосий тамойиллари ва имкониятларини аниқлаш ва шу асосда мазкур алоқадорликнинг шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш зарурдир. Мактабларда музей педагогикаси бўйича дастурларни яратиш ва амалга ошириш бўйича музей ходими ва мактаб ўқитувчисининг ҳамкорлигига йўналтирилган мактаб ўқитувчилари учун махсус курслар ташкил этиш зарурати пайдо бўлди.

Музейларнинг таълим-тарбияга йўналтирилган музей педагогикасига мактаблар таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми сифатида қараш ҳозирги даврда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг тарихий-маданий мерослардан чуқур билимга эга бўлиши, ўқувчиларнинг археология ва меъморий санъат асарлари ҳақида мустақил ижодий фикрлаши, тарихий-маданий мерослар орқали ўқувчиларда миллий-маънавий ғурурни шакллантириш, ўтмиш маданий ва маънавий қадриятларини кадрлаш ва келажакка ишончни ҳосил қилишда қорақалпоқ халқининг миллий маданий мероси ва тарихий тараққиёт йўли сингари муҳим ижтимоий омиллар тизимига суяниш лозимлиги асосланди.

Диссертациянинг «**Тарихий-маданий мерослар воситасида ўқувчилар маънавий маданиятини ривожлантиришнинг мазмуни, самарали шакл ва методлари**» деб номланган иккинчи бобида қорақалпоқ миллий маданий мерослари асосида ўқувчилар маънавий маданиятини ривожлантириш мазмуни, йўналишлари ва босқичлари, самарали шакл, метод ва воситалари аниқланган. Синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш усуллари таҳлил қилинган, инновацион ўқитиш технологияларини қўллаб, қорақалпоқ миллий маданий мерослари воситасида маънавий маданиятини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишимиз тайёргарлик босқичида тажриба билан қамраб олинган мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар билан тарихий-маданий меросга доир билим, кўнликма ва малакаларини аниқлаш мақсадида суҳбатлар, ушбу мавзуга оид турли анкета саволлари ўтказилди. (5-8 иловалар).

Тарихий-маданий мерос мавзуларда баҳс-мунозара, мусобақа, турли ўйинлар, тренинглар, тадбирлар ва машғулотларни ташкил этишда даставвал умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режалари, дарсдан ташқари ўқув-тарбиявий тадбирларни олиб бориш, унинг мазмуни, шакли ва услуги ҳамда ижтимоий фанларнинг дастурлари таҳлил этилди.

Тадқиқот жараёнида ўқувчиларда тарихий-маданий мерос воситасида маънавий маданиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида «Қорақалпоғистон тарихи», «Тарбия» фанлари дарслари ва синфдан ташқари

машғулотларда маданий меросларнинг таълим-тарбиявий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди.

Ўрганилаётган муаммо бўйича Қорақалпоғистон умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини ўрганиб чиқилиб, ўқув жараёнида ва мактабдан ташқари машғулотларда тарихий ёдгорликларнинг таълим-тарбиявий салоҳиятини амалга оширишга ёрдам берадиган учта йўналиш ишлаб чиқилди:

биринчи йўналиш — суҳбат дарси;

иккинчи йўналиш — археология ва меъморий ёдгорликларга экскурсиялар;

учинчи йўналиш — экскурсия давомида олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.

Дарс жараёнида умумий ўрта таълим мактабларида ўлкамиздаги қадимий тарихий қалъалар Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Оқчахонқалъа, Ёнбошқалъа, Аёз қалъа, Говур қалъа, Гулдурсунқалъа ва меъморий обидалар Назлумхонсулув, Халфа Ражаб, Султон Увайс ва бошқа ёдгорликлардан фойдаланиб, «Ватан тарихини билмай туриб, уни тўла севиб бўлмайди», «Ватан остонадан бошланади», «Тарихий обидаларимиз - фахримиз», «Аждодларимиз меросини асраб-авайлаймиз», «Энг яхши тарихий-маданий мерос билимдони», «Энг яхши тарихий-маданий мерос тарғиботчиси» сингари мавзуларда баҳс-мунозара, мусобақа, турли ўйинлар, тренинглар, дарсдан ташқари машғулотлар каби тарбиявий тадбирлар ташкил этилди ва ижобий натижаларга эришилди.

Демак, умумий ўрта таълим мактабларида амалга ошириладиган таълимий-тарбиявий ишлар фақат фан, маданият, тарих соҳасидан ахборот олибгина қолмай, балки шахснинг ҳар томонлама шаклланишини назарда тутуди ва унинг интеллектуал, бадиий-эстетик, маънавий-ахлоқий, ижодий, касбий, фуқаролик жиҳатдан камол топишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотлар жараёнида 5-7-синфлардаги «Қорақалпоғистон тарихи» фани бўйича замонавий педагогик технологиялардан ўтиладиган мавзу мазмунига кўра фойдаланилди. Жумладан, илмий-оммабоп, бадиий, ғоявий-сиёсий манбалар, қорақалпоқ халқининг жасоратли тарихий шахслари, кўҳна қалъалар, истехкомлар, меъморий обидалари ҳақидаги телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, электрон ахборот ресурслари, веб лойиҳалар (матнлар, видеоклиплар, видеороликлар, фотогалереялар, визуал экскурсиялар, тарихий ёдгорликларнинг 3D тах дастурида кўринишлари, виртуал музейлар) ва тарихий ҳужжатли фильмлардан кенг фойдаланилди. Мазкур ўқув фани ва тўғарақларга ўқувчиларни жалб қилиш асосида ҳаётий мисолларга таянган ҳолда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат, Ватан олдидаги бурч, масъулиятни англаб етадиган маънавий етук шахс сифатида тарбиялаш мезонлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Тажриба-синов ишларининг таълим-тарбиявий жараёнида қўлланилган ёндашув асосида ўқувчиларда қорақалпоқ миллий маданий мероси ҳақидаги

билимларини ривожлантиришнинг шакллари: якка, жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлаш, тренинг машғулоти, методлар: “Давра суҳбати”, “Ақлий хужум”, “Кластер”, “Муаммоли вазиятлар”, “Расмларни тўғри жойлаштиринг”, “Тарих ҳақиқати”, “Фикрлар тўқнашуви” ўйинлари методларининг самарадорлиги аниқланди.


Дарс жараёнида олинган натижаларнинг самарадорлиги қуйидаги мезонларга таянган ҳолда аниқланди:

ўқувчиларнинг халқимизнинг тарихий-маданий меросига қизиқиши; маданий мерос ҳақида билимга эгаллиги, уларни ўрганишга интилувчанлиги;

халқимизнинг тарихий-маданий меросларнинг тараққиёт йўлини тўғри баҳолай олиши ва ўз муносабатини билдира олиши.


Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларининг асосий мақсади – умумий ўрта таълим тизимини мамалакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга, илм-фан ва замонавий ахборот коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш бугунги куннинг талабидир.

Ҳозирги даврда электрон ўқув адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкин бўлган дастурлардан бири уч ўлчовли «3D Studio Max» график таҳрир дастуридир. Уч ўлчовли графика - бу катта ҳажмили объектларни моделлаштириш орқали тасвир ёки видео яратиш усуллари бағишланган компьютер графикаси ҳисобланади. 3 D моделлаштириш - объектнинг уч ўлчовли моделини яратиш жараёни, керакли объектнинг визуал ҳажмили тасвирини ишлаб чиқиш. Бундан ташқари, модел реал дунёдаги нарсаларга мос келиши ёки тўлиқ мавҳум бўлиши мумкин (тўрт ўлчовли фракталнинг проекцияси).



Афсуски, ватанимиз ҳудудида жойлашган тарихий ёдгорликлар, қалъалар, меъморий обидаларнинг бугунги сақланиш ҳолати яхши даражада деб айта олмаимиз. Айрим тарихий ёдгорликлар ҳар хил сабабларга кўра бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида. Шунингдек, ижтимоий фан дарсларида, синфдан ташқари маънавий-маърифий тадбирларда тарихий ёдгорликларнинг бугунги мавжуд расмларини кўрсатиш, улар ҳақида оғзаки гапириб бериш ўқувчиларда катта таассурот ва қизиқиш уйғота олмади. Шу боис, биз тарихий манбалардан фойдаланган ҳолда Қорақалпоғистон ҳудудидаги ноёб тарихий қалъаларнинг 3 D тах дастурида кўринишларини ишлаб чиқдик. Бу эса ўқувчиларда ҳозиргача инсонларни ҳайратка соладиган тарихий қалъаларнинг бўлганлиги ва уларнинг асл ҳолатини кўришга ва тарихий ёдгорликларга виртуал экскурсиялар ташкил қилиш имконини беради.

Тадқиқот ишимизни самарали ташкил қилиш мақсадида тажриба-синов жараёнига кўра аксиопедагогик ёндашувнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, унинг ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурурни ривожлантиришга доир имкониятлари тадқиқ этилди. Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш модели яратилди ва амалиётга татбиқ қилинди (1-расм).



1-расм. Тарихий-маданий мерос воситалари ёрдамида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш модели.

Мазкур модел мақсадли ва мазмунли блок асосида шакллантирилиб, тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг омиллари, педагогик жараёни, ривожлантиришга оид омил, шакл, тамойил, усуллар, ўқувчиларнинг моддий ва маданий меросни ўзлаштиришлари орқали фаол фуқаролик позицияси ҳамда тарихий тафаккурини ривожлантириш, уларда умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик механизмларини такомиллаштириш ўрганилди.

Тадқиқот ишимизнинг самарали ўрганилиши учун тадқиқот босқичлари (ташхис, таҳлил қилиш, таълим-тарбиявий, умумлаштирувчи), даражалари (паст, ўрта, юқори) ва натижалари аниқланди.


Тадқиқот ишимизнинг умумлаштирувчи босқичида ўқувчиларни тарихий-маданий мерос воситасида маънавий маданиятини ривожлантириш динамикаси баҳоланди ва натижалари умумлаштирилди. Тарихий-маданий меросларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини ёритиб берувчи электрон-методик таъминотини такомиллаштиришнинг истиқболли режалари аниқланди.

Диссертациянинг «**Тарихий-маданий мерослар воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тадқиқот жараёнида умумтаълим мактаблари ўқувчилари маънавий маданиятининг ривожланганлик даражасини аниқлашга хизмат қиладиган мезонларнинг ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилди. Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини дарс жараёни ва синфдан ташқари машғулотларда бевосита ва билвосита кузатиш, респондент-ўқувчи ҳамда ўқитувчилар иштирокида суҳбат, давра суҳбати, дебат, баҳс-мунозара, маъруза, конференция, амалий, семинар ва тренингларни ташкил этиш, асословчи тажриба-синов ишлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларнинг маънавий маданиятининг ривожланганлик даражаси қуйидаги мезонлар асосида аниқланди: тарихий-маданий мерос, маънавият, маданият тушунчасининг мазмун-моҳиятини билишлари ва тушуна олишлари, маданий мерос билан боғлиқликда ўрганилган материалларни амалий фаолиятда қўллай олиш.

Ўқувчиларнинг маънавий маданиятининг ривожланганлик даражасининг сифат кўрсаткичларига мувофиқ математик-статистик метод асосида қайта таҳлил этишга имкон берувчи юқори, ўрта ва паст даражаларга ажратилди.

Тажриба-синов ишлари учун танланган объектлардан жами қатнашган ўқувчилар сони 679 та бўлиб, тажриба гуруҳида 338 нафар, назорат гуруҳида 341 нафар ўқувчи қатнашди. Ушбу объектларда ўтказилган тажриба-синов ишлари тажриба бошида текшириб кўрилди. Тажриба аввалидаги ва якунида назорат ва тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари кўриб чиқилди. (2-расм)



2-расм. Ўзлаштириш даражаларининг диаграммалари

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда $T = \frac{J}{Q} * 100\%$ формула орқали топилади (1-Жадвал). Бу ерда J - ўтказилган сўровномада берилган тўғри жавоблар сони. Q - ўқувчиларнинг умумий сонини билдиради.

1-жадвал

Ўзлаштириш коэффициенти фоизларда

	Гуруҳ Баҳо	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Тажриба аввалида			
	Юқори	$T_1 = \frac{90}{338} * 100\% = 26,63\%$	$T_2 = \frac{93}{341} * 100\% = 27,27\%$
	Ўрта	$T_1 = \frac{161}{338} * 100\% = 47,63\%$	$T_2 = \frac{159}{341} * 100\% = 46,63\%$
	Паст	$T_1 = \frac{87}{338} * 100\% = 25,74\%$	$T_2 = \frac{89}{341} * 100\% = 26,10\%$
Тажриба якунида			
	Юқори	$T_1 = \frac{168}{338} * 100\% = 49,70\%$	$T_2 = \frac{102}{341} * 100\% = 29,91\%$
	Ўрта	$T_1 = \frac{150}{338} * 100\% = 44,38\%$	$T_2 = \frac{161}{341} * 100\% = 47,21\%$
	Паст	$T_1 = \frac{20}{338} * 100\% = 5,92\%$	$T_2 = \frac{78}{341} * 100\% = 22,88\%$

Тажриба-синов натижаларидан олинган қийматлари асосида математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба синфдаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда $X_i; n_i$ лар ва шу каби назорат синфдагина эса $Y_j; m_j$ лар орқали белгилаб олиниб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз (2-жадвал).

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик эҳтимоллик $P_i = \frac{n_i}{n_j}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m_j}$;

2-жадвал

Математик-статистик таҳлил

Тажриба аввалида	ва	Тажриба якунида
$\{ X_i \ 3, \ 2, \ 1$	ва	$\{ X_i \ 3, \ 2, \ 1$
$\{ P_i \ 0,27; \ 0,48; \ 0,25$		$\{ P_i \ 0,50; \ 0,44; \ 0,06$
$\{ Y_i \ 3, \ 2, \ 1$		$\{ Y_i \ 3, \ 2, \ 1$
$\{ Q_i \ 0,27; \ 0,47; \ 0,26$		$\{ Q_i \ 0,30; \ 0,47 \ 0,23$

Статистик таҳлилни ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

Тажриба аввалида

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i = 0,27 * 3 + 0,48 * 2 + 0,25 * 1 = 0,81 + 0,96 + 0,25 = 2,02$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j y_j = 0,27 * 3 + 0,47 * 2 + 0,26 * 1 = 0,81 + 0,94 + 0,26 = 2,01$$

Бу ўз навбатида фоизда қуйидагича бўлади:

$$\bar{X}\% = \frac{2,02}{3} * 100\% = 67,33\% \quad \text{ва} \quad \bar{Y}\% = \frac{2,01}{3} * 100\% = 67,0\%$$

Тажриба якунида

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i = 0,50 * 3 + 0,44 * 2 + 0,06 * 1 = 1,5 + 0,88 + 0,06 = 2,44$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=3} q_j y_j = 0,30 * 3 + 0,47 * 2 + 0,23 * 1 = 0,9 + 0,94 + 0,23 = 2,07$$

Бу ўз навбатида фоизда қуйидагича бўлади:

$$\bar{X}\% = \frac{2,44}{3} * 100\% = 81,33\% \quad \text{ва} \quad \bar{Y}\% = \frac{2,07}{3} * 100\% = 69,0\%$$

Демак, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш $(81,33-69,0)\% = 12,33\%$ га юқори экан. Бу эса, ўз навбатида: $\frac{81,33\%}{69,0\%} = 1,18$ баробар ортиқлигини англатади.

ХУЛОСА

Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қорақалпоқ халқининг миллий маданияти, тарихий-маданий меросларини чуқур ўрганиш ҳамда улардан ҳозирги замон таълим-тарбия тизимида мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳим вазифа ҳисобланади, чунки бу ўтмишдаги ва бугунги илғор тажрибаларни янада ривожлантиришга, таълим ва тарбия тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш миллий педагогикамизнинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги илмий асосланди.

3. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар фанлари билан синфдан ташқари машғулотлар мазмуни ва шакл, методларини ўзаро боғлиқликда ўрганган тақдирдагина самарадорлиги ортиши ҳақида илмий хулосага келинди.

4. Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчи-ёшлар маънавий маданиятини ривожлантиришнинг мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва технологиялари, ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, миллий маданий меросни ўрганиш бўйича синфдан ташқари таълим дастури, хусусиятлари ҳамда истиқболларини аниқлаштирилиб, дидактик ўқув воситалари мажмуаси сезиларли даражада бойитилган.

5. Қорақалпоқ тарихий-маданий мерослари таълим-тарбиявий салоҳиятининг аксиологик ва акмеологик компонентлари ўқувчи ёшларнинг тарбиясидаги тараққиёти илғор тажрибаларига асосланган ҳолда такомиллаштирилган.

6. Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг аксио-педагогик технологиялари, ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришда моддий ва номоддий мероснинг тарбиявий имкониятларини интеграциялашнинг самарали йўллари аниқлаштирилган.

7. Тарихий қалъаларнинг 3 D тах дастурида виртуал кўринишлари ва туманлар кесимида маданий мерос объектларининг фотогалерияси ишлаб чиқилган ҳамда Қорақалпоғистон тарихи фани дарслигига илова сифатида тавсия қилинган.

8. Ўқувчиларда маънавий маданиятини ривожлантириш уларнинг санъат ва маданиятга қизиқишларини ошириш, фаол фуқаролик позицияси ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик механизмларини такомиллаштирилган.

9. Тарихий-маданий мерос воситасида ўқувчиларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни тузилмаси ички ва ташқи интегративлик асосида фанлараро алоқадорликни таъминлаш, модулли-структур ёндашув билан халқчиллик тамойилининг қайта алоқага киришиш даражасининг таъсирчанлигини кенгайтириш асосида аниқлаштирилган.

10. Тадқиқот материалларидан «Ўзбекистон тарихи», «Қорақалпоғистон тарихи», «Тарбия» фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни миллий ғурур, миллий ифтихор ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўқувчиларни маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти билан таништириш, мустақиллик тушунчаларини янада такомиллаштиришда кенг фойдаланиш лозим.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар йиллик режасида ўқувчилар ўртасида тарихий-маданий мерос тўғрисида маълумотлар берувчи тадбирларни киритиш лозим.

2. Музей ва умумтаълим мактаблари алоқадорлиги йўналишларини белгилаш, унинг асосий тамойиллари ва имкониятларини аниқлаш ва шу асосда мазкур алоқадорликнинг шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва синфдан ташқари тадбирларда самарали фойдаланиш мақсадида виртуал музейлар яратиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

БЕКНИЯЗОВ БАЙРАМБАЙ САПАРБАЕВИЧ

**РАЗВИТИЕ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ УЧАЩИХСЯ ПОСРЕДСТВОМ
ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ
(на примере Каракалпакстана)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

НУКУС – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2020.1.Phd/Ped1246.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndpi.uz) и Информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Утебаев Тажибай Тилеумуратович
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
доктор педагогических наук, профессор

Турганов Бахыт Курбанбаевич
кандидат исторических наук, доцент


Ведущая организация: Каракалпакский государственный университет


Защита диссертации состоится «18» 03 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению ученых степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, г. Нукус, ул. П.Сейитова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (зарегистрирована за № 19). Адрес: Адрес: 230105, г. Нукус, ул. П.Сейитова, дом б/н. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Автореферат диссертации разослан «6» 03 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 19 от «6» 03 2021 года).




Б.П.Отемуратов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., доцент


З.Курбаниязова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к. п. н., доцент


А.К.Пазылов
Заместитель председателя Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, к. п. н., доцент

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире вопросы развития регионального, субрегионального сотрудничества в сфере образования, науки, культуры и информации, в особенности усиление культурных связей требуют ускорения трансформации национальных и общечеловеческих ценностей. Международными организациями особо признаны сохранение историко-культурного наследия, формирование у подрастающего поколения чувства гордости и достоинства. В особенности, посредством усвоения учащимися материального и культурного наследия важную актуальность приобретают развитие активной гражданской позиции и исторического мышления, совершенствование инновационно-педагогических механизмов развития у них общекультурной компетентности, обеспечение глубокого и прочного изучения культурного наследия в процессе обучения в общеобразовательных учреждениях.

В мире проводится ряд научных исследований по разработке модернизационной дидактической системы по использованию культурного наследия в формировании исторического сознания и памяти учащихся, совершенствованию педагогических механизмов формирования национальной идентичности у учащихся через историко-культурное наследие. В частности, важно разработать аксиопедагогические технологии воспитания у учащихся национальной гордости через историческое и культурное наследие, выявить эффективные способы интеграции образовательного потенциала материального и нематериального наследия в развитии духовной культуры учащихся. Также важно разработать набор средств массовой информации, позволяющих студентам легко и удобно осваивать историко-культурное наследие в условиях информатизации образовательных процессов, совершенствовать педагогическую систему развития духовной культуры учащихся через виртуальные музеи.

В нашей стране большое внимание уделяется развитию у учащихся высоких духовно-нравственных качеств через формирование уважения и ценности к историко-культурному наследию, глубокого усвоения богатого наследия наших предков. Вместе с тем, развитие духовной культуры учащихся, повышение их интереса к искусству и культуре, требует совершенствования педагогических механизмов по повышению гражданской и общественной активности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»¹. Это требует выявления возможностей национального, историко-культурного

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

наследия каракалпаков в развитии духовной культуры учащихся, разработке эффективных способов развития духовной культуры учащихся посредством историко-культурного наследия.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлениях главы государства «Об утверждении Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан» от 28 ноября 2018 года ПП-4038, «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы» от 3 мая 2019 года № ПП-4307, «О мерах по кардинальному повышению эффективности внешкольного образования в системе народного образования» от 30 сентября 2019 года № ПП-4467, Кабинета Министров «О мерах по реализации и утверждению Концепции непрерывного духовного воспитания» от 31 декабря 2019 года № 1059, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Из отечественных ученых Ж.Базарбаев, Я.Гуломов, М.Имомназаров, М.Каххарова, М-Ш.Қдырнийзов, А.Муминов, А.Маврулов, У.Мавлонов, К.Назаров, А.Очилдиев, С.Отмуротов, С.Толстов, Э.Юсупов исследовали философское, археологическое и социально-культурное значение историко-культурного наследия, О.Мусурманова, У.Алеуов, П.Абдимуратов, З.Курбаниязова, Р.Маматкулова, У.Махкамова, У.Мавлонов, Т.Утебаев, Н.Эгамбердиева — педагогические возможности духовно-нравственного воспитания учащейся молодежи посредством историко-культурного наследия, О.Давлатов, З.Салиева, Б.Ходжаев — пути использования историко-культурного наследия при формировании исторического мышления учащихся, развитии духовной культуры студентов, формировании компетентности информационной безопасности.

Из ученых стран Содружества Независимых Государств (СНГ) такие как В.С.Кузин, Е.М.Крючков, Н.А.Кушаев, М.М.Маммаев, Б.М.Неменский, М.А.Некрасова, И.М.Раджабов проводили научные исследования по вопросам воспитательного значения исторических памятников, формирования нравственно-эстетических качеств у учащихся путем краеведения и музеев.

Место и роль историко-культурного наследия в культуре человечества, трансформация культур изучены такими зарубежными учеными, как

